

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича  
Юнусобод туман суди, Юнусобод тумани [REDACTED]

судья А.Шамахмудов раислигида,  
судья ёрдамчиси С.Худайбергенов котиблигида, тарафлардан  
давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурори ўринбосари Х.Парпиев,  
адвокат Д.Маджидованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган

[REDACTED], миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,  
маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор,  
ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган,  
муқаддам судланмаган, [REDACTED]

яшовчи, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси  
қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5  
декабрда олганга нисбатан

[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва  
жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини  
ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб,  
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдов  
йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йилдан 2021 йилга қадар  
вақт оралиғида [REDACTED]  
жойлашган 18-уй олдида таниши [REDACTED] ўғлига  
[REDACTED] оёқ кийим молларининг тўлов пулини тўлаб олиши  
кераклигини, пулларини берса, олиб чиқиб беришини айтиб, бунинг  
учун ундан 14.500 АҚШ долларини олиб, берган ваъдасини  
бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотига кўра,  
2021 йил 15 ноябрь куни ҳолатига 1 АҚШ доллари 10.737 сўм 06 тийинга,  
14.500 АҚШ доллари 155.687.370 сўмга тенг эканлиги аниқланган.*

Судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб,  
дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда [REDACTED]  
билан биринчи маротаба 9.300 эмас 4.500 АҚШ доллари олганини, шу  
пуллардан 70% га 30% эмас 300-400 АҚШ доллари фойда бўлишини  
айтганини, орадан тахминан 3-4 ой вақт ўтиб, [REDACTED] кўнғироқ  
қилиб, бемаслаҳат иш қилганини айтганини, [REDACTED] ундан нима



ишлигини сўраганида, бир танишимга мавсумий оёқ [REDACTED] давлатидан олиб келиб сотиб фойда кўришга берганини айтганини, сўнг пайнет депозит, уланиш, [REDACTED] ўтказишга, яъни ахборотга пул кераклигини айтиб, бунинг учун [REDACTED] 5.000 АҚШ доллари олганини, орадан бироз вақт ўтгач юқоридаги иш учун яна 5.000 АҚШ доллари сўраганини, [REDACTED] унга ушбу пулни иккига бўлиб берганини, пулларни танишига берганини, пулларни қайтариш вақти келганида, [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, пулларини сўраганини, унга аввалига ҳар хил баҳоналар қилиб, танишини номидан тилхат ёзиб беришини айтганини, [REDACTED] таниши билан юзлаштиришини сўраб, танишидан тилхат ёздириб олмоқчи эканини айтганини, орада тахминан 1 ой вақт ўтгани сабабли [REDACTED] ўзи сўраб суриштириб, танишини уйини топиб, унинг уйига борганини [REDACTED] танишидан пул масаласида сўраганини, шунда таниши ҳеч қандай пул олмаганини билдирганидан сўнг таниши унга қўнғироқ қилиб, уйини олдига чақириб, бир маслаҳатли иш борлигини айтганини, бир соатдан кейин танишининг уйини олдига борганида, [REDACTED] таниши билан турганини кўриб, олдиларига бориб сўрашганида, таниши ундан пул олгани ёки олмаганини сўраганини, унга ҳеч қандай пул бермаганини айтганини, [REDACTED] ундан нимага бундай иш қилганини сўраганини, вазиятдан чиқиш учун алдашга мажбур бўлганини айтганини, [REDACTED] ундан берган жами 14.500 АҚШ долларини қайтаришини сўраганини, унга ҳозир бунча пули йўқлигини айтиб, 10-15 кунда қайтаришини айтганини, орадан вақт ўтгач [REDACTED] ундан ўзига тегишли пулларни сўраганини, унга пулларни эрта-индин қайтаришини айтиб баҳоналар қилганини, орадан тахминан 5-6 ой ўтганидан сўнг 2022 йил 22 июнь куни [REDACTED] 1.000 АҚШ доллари берганини, [REDACTED] қолган пулларни сўраганида унга кейинги ойга яна пул беришини айтганини, [REDACTED] ундан яна пул сўраганида, унга пули йўқлигини айтганини, орадан яна 2-3 ой вақт ўтиб 2022 йил 28 сентябрь куни 300 АҚШ долларини [REDACTED] берганини, кейин [REDACTED] бошқа пул бера олмаганини [REDACTED] пулларини қайтаришини ёки қайтармаслигини айтишини сўраганини, унга 2022 йил 20 октябрга қадар пул беришини айтганини, у унга агар бермаса 102га хабар беришини айтганини, кейин унга умуман пул бермаганини, [REDACTED] 2022 йил 10 ноябрь куни қўнғироқ телефон қилиб, 102га ариза ёзганини айтганини, [REDACTED] охириги пулларни олиб, орадан вақт ўтганидан [REDACTED] уни ишонтириш учун 20.000 АҚШ доллари олгани ҳақида унинг ён дафтарчасига тилхат ёзиб берганини, иккинчи марта [REDACTED] ишхонасида 19.800 АҚШ доллари олгани ҳақида ўзининг фуқаролик паспорти нусхасининг орқа томонига тилхат ёзиб берганини, отаси [REDACTED] етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини, унинг даъвоси йўқлигини баён этиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.



Гарчанд [REDACTED] айбига тўлиқ иқдор бўлса-да, суд унинг айби қуйида келтирилган далиллар, хусусан:

жабрланувчи [REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда [REDACTED] 4-5 йилдан бери Юнусобод туманидаги “Универсам” савдо мажмуасида ишлаганларидан танишини, 2020 йил октябрдан ноябрга қадар вақт оралиғида [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, кўришиб, гаплашиб олишни, иш борлигини, пул тикиш кераклигини айтганини, ундан қандай ишлигини сўраганида, у унга бу иш пайнет очиш, рақам ёқиш ва [REDACTED] ўтказишдан иборатлигини, бу ишга пул тикса, ҳар ойига 300-400 АҚШ долларидан фойда топишини айтиб уни қизиқтирганини, уни олдиндан танигани учун унга ишониб таклифига рози бўлганини, орадан 10-15 кун ўтиб, Р.Абдуқўчқоровга келишилган иш учун 4.500 АҚШ долларини кўчада кўришиб берганини, орадан 3-4 ой ўтиб [REDACTED] унга яна қўнғироқ қилиб, ундан бемаслаҳат бир иш қилганини, пулларни танишига берганини, таниши чет эл давлатига қатнаб, мавсумий оёқ кийим олиб келиб сотишини ва уни моллари “ [REDACTED] айтиб, ушбу молларни “ [REDACTED] олиб чиқиб сотганидан сўнг фойдаси билан пулларни қайтаришини айтганини, пул эвазига танишининг автоуловини гаров тариқасида ўзининг уйига олиб кириб қўйганини маълум қилиб, айтган иши учун ундан яна 5.000 АҚШ доллари сўраганини, унинг гапларига ишониб яшаш хонадони, яъни [REDACTED] тумани, [REDACTED] олдида [REDACTED] 5.000 АҚШ доллари берганини, орадан яна 3-4 ой вақт ўтиб, 2021 йил март-апрель ойларида [REDACTED] билан кўришганида, у ҳамкорликдаги иш учун яна 5.000 АҚШ доллари сўраганини, унга бўлиб-бўлиб 2.500 АҚШ долларидан жами 5.000 АҚШ доллари берганини, орадан 2-3 ой ўтиб [REDACTED] таниши оёқ кийим сотиб бўлган бўлса пулларни беришини сўраганида, у эрта-индин беришини айтиб, ҳар хил баҳоналар билан уни алдаганини, кейин [REDACTED] таниши келиб пулларни олгани ҳақида тилхат ёзиб беришини сўраганида, олдинига [REDACTED] танишига айтиб тилхат ёздириб беришини айтиб келганини, ордан 10 кун ўтганидан сўнг танишининг номидан тилхатни ўзи ёзишини айтганида, буни рад қилганини, [REDACTED] таниши билан юзлаштиришини сўраганида, у яна ҳар хил баҳоналар қилиб қочиб юрганини, танишлари орқали сўраб суриштириб, [REDACTED] айтган таниши кимлигини, қаерда яшашини топиб, уйига бориб у билан гаплашганини, унинг таниши билан кўришганида унга [REDACTED] танишини сўраганида, у унга жияни бўлишини айтиб, гапларини тасдиқлаганини, ундан [REDACTED] оёқ кийим олиб чиқиш учун [REDACTED] пул олганини айтганида, у жиянидан қарзи йўқлигини айтганини, сўнг [REDACTED] қўнғироқ қилиб, олдиларига чақиритганини, орадан бироз вақт ўтиб [REDACTED] етиб келганини, суҳбатда [REDACTED] уни алдаганини тан олиб,



пулларни ишлатиб юборганини айтганини, кейин ундан берган 14.500 АҚШ долларини қайтаришини сўраганида, пулларни ишлатганини, пули йўқлигини айтиб, узоғи билан 1 ой ичида пулларни қайтаришини билдирганини, орадан 2-3 ой ўтиб, [REDACTED] олган пулларини қайтаришини сўраганида, у яна турли хил баҳоналар билан уни алдаб вақтни чўзганини, [REDACTED] пулларини қайтармагани учун унинг ота-онасини хабардор қилиш мақсадида уйига борганини, унинг ота-онаси билан кўришиб, [REDACTED] 500 АҚШ долларини олганини айтганида, ота-онаси бу ишлардан хабари йўқлигини [REDACTED] билан ўзлари гаплашиб олган бўлса, пулларни тез орда қайтаришларини айтишганини, орада 2-3 ой ўтиб [REDACTED] яна пулларини сўраганида, у янги иш топганини, ишлаб қайтаришини айтганини, [REDACTED] унга 2022 йил 22 июнь куни 1.000 АҚШ доллари берганини, ундан қолган пулларини қачон беришини сўраганида, у унга яна турли хил баҳоналар қилиб кутиб туришини, пулларни албатта қайтаришини айтганини, унга шунча кутганини, агар қайтармаса 102 га хабар беришини айтганида, [REDACTED] унақа иш қилмаслигини, озроқ кутиб туришини илтимос қилганини, 2022 йил 28 сентябрь куни [REDACTED] унга яна 300 АҚШ доллари берганини, шу билан [REDACTED] унга жами 1.300 АҚШ доллари қайтарганини, қолган 13.200 АҚШ долларини қайтаришини сўраганида, у яна кутиб туришини айтиб, агар 1 ой ичида пулларни қайтармаса 102 га хабар беришига қарши бўлмаслигини айтганини, унинг гапларига ва ўз кўли билан ёзиб берган тилхатига ишониб, яна кутишга рози бўлганини, Р [REDACTED] пулларни айтган вақтида қайтармаганидан сўнг 102 га ҳолат юзасидан хабар берганини, ҳозирда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этиб берган кўрсатуви;

жиноят ишида тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатлари, нарсани олиш тўғрисидаги баённома, ҳужжатни ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, тилхат, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатлари квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, яъни “*фирибгарлик - алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни кўлга киритиш*” да ифодаланган жинояти аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик



ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқорида кўрсатилган Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб белгиланган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, муқаддам судланмаганини, ёшини, оилавий шароитини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини, жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг қопланганини, унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, ишдаги енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида кўрсатилмаган енгилроқ бошқа жазо тайинлашни;

жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини инobatга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб, суд



## ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 10 % давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини амалга ошириш [ ] яшаш жойи бўйича Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

[ ] нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи [ ] етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатлар жиноят ишида сақлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Шамахмудов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: \_\_\_\_\_

